

ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ УНИВЕРСАЛ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтаётган Осиё Олимпия кенгашининг 46-Бош ассамблеясида иштирок этди.



Тадбирда етакчи халқаро ва минтақавий спорт ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари, жумладан, Миллий олимпия қўмиталари ассоциациясининг биринчи вице-президенти, Қатар Олимпия қўмитаси президенти Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Соний, Халқаро антидопинг агентлиги президенти Витолд Банка, Халқаро гимнастика федерацияси президенти Моринари Ватанабэ, Оғир атлетика федера-

цияси президенти Муҳаммад Жалуд, "World Boxing" президенти Геннадий Головкин, Чим устида хоккей федерацияси президенти Муҳаммад Тайяб Икрам, Осиё Паралимпия қўмитаси раиси Махид Рашид, Халқаро самбо федерацияси президенти Василий Шестаков, Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси бош котиби Гунилла Линдберг ва Африка Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти

Мустафо Берраф ҳам қатнашди. Шунингдек, ассамблея ишида махсус меҳмонлар ва расмийлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари Президентининг махсус вакили Паоло Замполли, Россия Федерацияси спорт вазири Михаил Дегтярев, Саудия Арабистони спорт вазири Шахзода Абдулазиз бин Турки ол Сауд, Қатар ёшлар ва спорт вазири Шайх Ҳамад ол Соний ҳамда бошқалар иштирок этди.



Давлатимиз раҳбари ўз нутқида тобора кучайиб бораётган глобал зиддиятларга қарамай, спорт давлатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқот, ўзаро англашув ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг универсал воситаси сифатида ўрин тутганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Президенти Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Сонийни Осиё Олимпия кенгаши президенти этиб сайлангани билан қутлаб, унинг юксак даражадаги касбий ма-

ҳорати, салмоқли халқаро тажрибаси ва нафақат Осиё қитъаси, балки бутун дунёда спорт ривожига қўшган улкан ҳиссасини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистоннинг Осиё Олимпия кенгаши билан кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кенгаш Ижроия қўмитасининг 77-сессияси муваффақиятли ўтказилгани, республика-миз вакили Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президент этиб

сайлангани ва 2029 йилги Ёшлар Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш учун Ўзбекистон танлангани қайд этилди. Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида ҳам сўз юритди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ОЛИМПИА КЕНГАШИНИНГ 46-БОШ АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун дунёда глобаллашув тобора кучайиб, зиддиятли ва таҳликали жараёнлар кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай мураккаб вазиятда давлатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқот, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда спортнинг бекиёс ўрни бор.

Тинчлик ва дўстлик элчиси бўлган спортнинг бутун башариятни, жумладан, биз яшаётган Осиё қитъаси халқларини бирлаштиришдаги ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Осиё Олимпия Кенгаши қитъамизнинг 4 миллиард 800 миллиондан ортиқ аҳолисини бирлаштириб, Олимпия ҳаракатининг дўстлик, ўзаро ҳурмат, адолат ва тенглик каби эзгу гояларини фаол тарғиб этмоқда. Сизлар минтақамиздаги ижобий ўзгаришларга улкан ҳисса қўшиб, спорт дипломатияси орқали "Жипслашган Осиё" намунасини кўрсатиб бермоқдасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга юксак ишонч билдириб, Осиё Олимпия Кенгашининг 46-Бош ассамблеясини мамлакатимизда ўтказашга учун Кенгаш раҳбариятига Ўзбекистон Президенти ва Миллий Олимпия

қўмитаси раҳбари сифатида алоҳида миннатдорлик билдираман.

Бугун мана шундай тарихий анжуманда Сизлар билан гўзал ва бетакрор юртимиз заминидан учрашиб турганимиздан мамнунман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Хурматли ассамблея иштирокчилари!

Бугун сизлар қитъамизда ўзаро ишонч, аҳишлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган йирик платформа — Осиё Олимпия Кенгашининг Бош ассамблеясида жуда кўп масалаларни муҳокама қилдингиз. Шулар қаторида айнан Тошкент шаҳрида Кенгашнинг Президенти лавозимига сайлов бўлиб ўтаётгани ҳам, шубҳасиз, улкан тарихий воқеадир.

Ушбу юксак лавозимга бир овоздан сайланган Шайх Жавъан бин Ҳамад ол Соний Ҳазрати Олийларини самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Ўтган йили апрелда — бугун янги сайланган Президент билан учрашувимиз чоғида спортни ривожлантириш борасида сермазмун суҳбат қилган эдик. Шайх Жавъан ҳазратлари Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясининг биринчи вице-президенти сифатида Қатарда футбол ва сув спорти бўйича жаҳон чем-

пионатлари каби кўплаб йирик спорт тадбирларини юқори савияда ўтказган, катта билим ҳамда тажрибага эга шахс. Бу инсон ўзининг ноёб салоҳияти ва самарали фаолияти билан нафақат Осиё қитъаси, балки бутун дунёда спорт ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. Бугун Осиё Олимпия Кенгаши мана шундай малакали номзодни Президент лавозимига сайлаб энг тўри қарорни қабул қилди, деб ўйлайман.

Ишонаманки, Шайх Жавъан ҳазратларининг бевосита раҳбарлигида Осиё Олимпия Кенгашининг нуфузи бундан ҳам юксалади.

Хурматли тадбир иштирокчилари!

Биз сўнгги йилларда Осиё Олимпия Кенгаши билан кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтардик. Жумладан, 2022 йилда Осиё Олимпия Кенгаши Ижроия қўмитасининг 77-сессиясини мамлакатимизда муваффақиятли ўтказдик. Ушбу нуфузли Ташкилот томонидан Ўзбекистон вакили илк бор Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президент этиб сайланди.

2029 йилги Ёшлар Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш учун айнан Ўзбекистон танланганини биз мамлакатимизга масъулиятли спорт ҳамкори сифатида берилган юксак баҳо,

деб қабул қиламиз. Бу ишонч эса бизга кўшни ва қардош бўлган Марказий Осиё давлатлари билан спорт алоқаларини мустаҳкамлаш учун пухта замин яратмоқда.

Шу ўринда Осиё Олимпия Кенгаши Бош директори ва "World Aquatics" Федерацияси раҳбари Хусайн ал-Мусаллам жаноблари ўзбек спортининг узоқ йиллик ва ишончли дўсти эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Бу киши 1993 йилдан буён юртимизга мунтазам ташриф буоради. Ўзбекистонга катта меҳр қўйиб, мамлакатимизнинг халқаро спорт бўйича ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Жаноб Хусайн ал-Мусаллам нафақат Осиёда, балки халқаро миқёсда ўзининг ақл-заковати, қатъият ва иродаси, барчага бирдек муносабати билан кенг спорт жамоатчилиги ишончини қозонган. Сув спорти барча турларининг бутун дунёда янги босқичга кўтарилгани бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Хусусан, Лос-Анжелес — 2028 Олимпия ўйинларида сув спорти турлари дастури 49 тадан 55 тага кўпайгани, энг аввало, ривожланаётган давлатлар учун янги имконият бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН БОЖХОНА СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли божхона органлари ходимлари!

Қадрли сержант, офицер ва генераллар!

Муҳтарам фахрийлар!

Сизларни 26 январь — Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари кунин билан самимий табриклайман. Мустақиллик йилларида божхона органлари мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва чегараларимиз дахлсизлигини асрашда давлатнинг ишончли таянчи бўлиб келмоқда.

Хусусан, Янги Ўзбекистон шароитида божхона органлари замонавий, очик ва самарали тизимга айланиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сизларнинг билим ва тажрибангиз, касбий маҳорат ва қатъиятнингиз мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, соҳани рақамлаштириш, ортиқча бюрократия ҳамда инсон омилли камайтириш ва халқаро стандартларни жорий этиш борасидаги амалий ишларнинг алоҳида эътиборга лойиқ.

Соҳадаги туб ислохотлар туфайли кейинги йилларда божхона расмийлаштируви вақти 40 фоизга қисқартирилди, декларацияларнинг 20 фоизи инсон омилсиз амалга оширилмоқда. 2025 йилда 76,2 триллион сўм божхона тўловлари ундирилиб, бу кўрсаткич 21 фоизга ошди ва унинг Давлат бюджети даромадларидаги улуши 25 фоизга етди.

Шунингдек, 1,2 триллион сўмлик товарларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Хавфларни олдиндан таҳлил қилиш натижасида 7 триллион сўм, товарларнинг расмий импортга жалб этиш орқали қўшимча 2,3 триллион сўм бюджет маблағи ундирилиши таъминланди.

Шу билан бирга 1,8 тонна гиёвандлик, 1,1 тонна психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйилди. Жаҳон савдо ташкилоти талаблари асосида божхона тартиб-таомиллари соддалашти-

рилди. Жаҳон божхона ташкилоти билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Янги Ўзбекистон божхонасининг халқаро нуфузи юксалиб бормоқда.

Мамлакатимиз божхона лабораторияси ва кинология марказининг минтақавий филиал мақомига эга бўлиши, Божхона институтининг "PICARD" дастури стандартлари асосида аккредитациядан ўтиши, божхона идорамизнинг мазкур ташкилот Аудит қўмитаси аъзолигига сайланиши ҳам шундан далолат беради. Божхона тизимида билим, ташаббускор ёш кадрлар сифининг кенгайиб бораётгани, уларнинг малакали халқаро экспертлар сифатида эътироф этилаётгани қувонарлиқдир.

Қадрли соҳа вакиллари!

Бугунги мураккаб замонда иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, келгуси беш йилда "яширин иқтисодиёт" улушини икки қарра қисқартиришда божхона органлари фаолиятини кучайтириш — долзарб вазифадир. Айниқса, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши муносабати билан божхона тизимининг иш самарадорлиги ва масъулиятини тубдан ошириш зарур.

Шу боис соҳани ширин таомлаш ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Ушбу шонли айёмда ўз хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган мард ва жасур ходимлар хотирасини ҳурмат билан ёдга олиб, уларнинг оилалари ва фарзандларига эзгу тилакларимизни йўлаймиз.

Хурматли божхона органлари ходимлари!

Муҳтарам фахрийлар!

Сизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Масъулиятли ва шарафли хизматингизда янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

«ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ПОКИСТОННИНГ БУЮК ДЎСТИ»

Покистоннинг "Associated Press of Pakistan", "Daily Ittehad", "Minute Mirror", "The Daily Big Digi" ва бошқа нашрларида "Президент Шавкат Мирзиёев — Покистоннинг буюк дўсти" сарлавҳали мақола эълон қиллинди.

Дунё нигоҳи

Покистондаги "Умумий келажак жамияти" таҳлилий маркази ижрочи директори Халид Таймур Акрам қаламига мансуб ушбу мақолада Покистон ва Ўзбекистон

ўртасидаги муносабатларнинг кўп асрлик тарихи ва замонавий тараққиёти, Президент Шавкат Мирзиёевнинг икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш бора-



сидаги саяй-ҳаракатлари ҳақида сўз боради. Муаллиф ёзганидек, икки мамлакатни

муштарак тарих, маданият, дин ва ўхшаш аънавалар боғлаб туради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ОЛИМПИА КЕНГАШИНИНГ 46-БОШ АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Куни кеча юртимизда “World Aquatics” федерацияси Ижроия қўмитасининг йиғилиши ўтказилиб, унинг Минтақавий филиали ташкил этилгани Марказий Осиё спорт ҳамжамияти учун катта кўмак ва мадад бўлиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Осиё Олимпия Кенгаши амалга ошираётган ишларни бутун дунё спорт жамоатчилиги ҳар жиҳатдан тан оломокда. Жумладан, Халқаро олимпия қўмитаси президенти Кирсти Ковентри хонимнинг Бош ассамблеяга йўллаган видеомурожаати ҳам бунга яққол мослидир.

Анжуманда Халқаро олимпия қўмитаси вакиллари сифатида Жеймс Маклеод ва Бирлашган кураш дунёси президенти Ненад Лалович иштирок этаётгани ҳам ана шундай юксак эътиборнинг далилидир.

Фурсатдан фойдаланиб, ассамблея ишида биз билан бирга иштирок этаётган Халқаро антидопинг агентлиги президенти Витолд Банка, Халқаро гимнастика федерацияси президенти Моринари Ватанабэ, Оғир атлетика федерацияси президенти Мухаммад Жалуд, “World Boxing” президенти Геннадий Головкин, Чим устида хоккей федерацияси президенти Мухаммад Тайяб Икрам, Халқаро қилч-бозлик федерацияси вице-президенти Анна Делгадо, Осиё Паралимпия қўмитаси раиси Маждид Рашид, Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси Бош котиби Гунилла Линдберг, Африка Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти Мустафо Берраф жанобларига алоҳида ташақкур айтaman.

Бундан ташқари, анжуманимиз-

да биз билан бир сафда турган қадрли меҳмонларимиз — АҚШ Президентининг махсус вакили Паоло Замполли, Россия Федерацияси спорт вазирлиги Михаил Дегтярев, Саудия Арабистони спорт вазирлиги Абдулазиз бин Турки ол Сауд, Қатар ёшлар ва спорт вазирлиги Шайх Хамад ол Соиний, Иордания Олимпия қўмитаси Президенти Шахзода Файсал ал-Хуссейн, Бруней Доруссалом Миллий Олимпия қўмитаси Президенти Шахзода Суфри Болқиях, Бутан Олимпия қўмитаси Президенти Шахзода Жигйел Угийн Вангчук, Кувейт Миллий Олимпия қўмитаси Президенти Шайх Фаҳад Сабоҳ ас-Сабоҳ ҳазратларига ҳам ўз ҳурмати-мизни билдирамиз.

Қадрли меҳмонлар!

Биз Янги Ўзбекистонда ёшларимизни халқаро олимпиада ҳаракатининг гуманистик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда, энг аввало, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, миллий қадрият ва урф-одатларимизга таяnam.

Бу ҳақда гапирганда, машҳур миллий эпосимиз “Алпомиш” достонининг бош қаҳрамонлари — мард ва энгилмас паҳлавон Алпомиш ҳамда азму шижоатли, жасур Барчиной асрлар давомида юртимиздаги миллионлаб йигит-қизлар учун идеал намунаси бўлиб келаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Шу маънода, спорт дунёсига, спорт тарбиясига хос эзгу ғазилатлар халқимизнинг генетик қодида азал-азалдан мавжуд, десам, янглишмаган бўлaman. Бундай ҳусусиятлар спортчиларимизнинг жаҳон ареналарини забт этишида катта тажриба, маҳорат ва илҳом мактаби бўлиб хизмат қилмокда.

Бугунги кунда юртимизда аҳоли-

ни оммавий спорт билан қамраб олиш даражаси 15 миллион кишига етди. Аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этадиган мамлакатимиз учун бу қандай катта аҳамиятга эга эканини барчангиз яхши тушунасиз, албатта.

Биз, ислохотларимизнинг илк кунлариданок, барча соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратдик. Олимпия ҳаракати тарғиботини энг куйи бўғиндан бошлаш ва селекцияни кенгайтириш мақсадида уч босқичли “Президент Олимпиадаси” комплекс спорт мусобақалари тизимини йўлга қўйдик. Бу мусобақаларнинг ҳар бир босқичига халқаро спорт мезонлари ва талаблари татбиқ қилинди.

Ўтган йили 100 гектарлик ҳудуд барпо этилган Олимпия шаҳарчаси нуфузли спорт тадбирларини ўтказиш учун ҳар томонлама муносиб майдонга айланди.

Ҳратилган имконият ва шароитларга мос равишда спорт соҳасидаги ютуқларимиз ҳам ўсиб бормокда. Париж — 2024 Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 13-ўринни эгалладик. Ўтган йили жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинларида 50 дан ортқк ўғил-қизларимиз рекорд натижаларни қўлга киритди. Ёшларимиз 2025 йил Бахрайнда ўтказилган Осиё Ёшлар ўйинлари ва Саудияда Ислон бирдамлиги мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгалладик.

Сўнгги йилларда юртимиз оғир атлетика, бокс, дзюдо, эшкак эшиш, волейбол, гимнастика, футбол каби 10 дан зиёд спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати ва кубоги мусобақаларига муносиб мезбонлик қилди.

Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш, самарали селекция бўйича янги тизим яратдик. Биз юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш ишларини бундан буён ҳам изчил давом эттириш учун замонавий спорт инфратузилмаларини барпо этишга, соҳага рақамлаштириш ва инновацияларни кенг жорий қилишга, халқаро стандартларни фаол татбиқ этишга, спорт дипломатиясини кучайтиришга катта эътибор қаратамиз.

Бундан ташқари, ҳалол спорт тамойилига амал қилиб, допингга қарши курашнинг қатъий тарафдор бўлиб қоламиз. Бу борада Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг адолатли сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Бутун ушбу Агентлик томонидан Тошкентда Марказий Осиё минтақавий антидопинг ташкилотларининг йиғилиши ва Халқаро форум ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбир маҳаллий мутахассислар учун антидопинг қоидалари бўйича тажриба алмашиш имкониятини бериши шубҳасиз.

Шунингдек, анжуманда қатнашаётган халқаро спорт ташкилотларида 50 дан ортқк юртимиз вакиллари самарали фаолият юритаётганини ҳам мамнуният билан таъкидлаймиз.

Тадбир доирасида Халқаро ва Осиё спорт ташкилотлари бизнинг миллий спорт федерацияларимиз билан 20 дан зиёд муҳим битимлар имзолаганини ҳам олқилаймиз. Улар ўз йўналишларида ҳар бир ҳудудимиздан 1 тадан спорт мактабини танаб олиб, ҳақиқий намунага айлантириш учун кўмаклашаётганидан миннатдормиз.

Мисол учун, Халқаро оғир атлетика федерацияси — Бўстонлик ту-

манида Акбар Жўраев номидаги оғир атлетика спорт клубини замонавий илмий ёндашув асосида ривожлантириш; Бирлашган кураш дунёси ташкилоти — Минтақавий спорт курашлари академиясини ташкил этиш; Осиё волейбол конфедерацияси — ҳар бир вилоятимизда волейбол бўйича 1 тадан спорт клубини бунёд этиш; Чим устида хоккей халқаро федерацияси — Тошкент ва Хоразм вилоятларида 2 та стадион куриш каби аниқ мақсад ва натижага йўналтирилган келишувларга эришгани қувонарлидир.

Мазкур лойиҳаларни тўла-тўқис амалга ошириш учун менинг жойлардаги вакилларим бўлган ҳокимлар ва спорт федерацияларимиз раҳбарлари шахсан масъул бўлади. Ишонаманки, бундай янги халқаро ҳамкорлик механизми спортимиз равнақига бекиёс амалий ҳисса қўлади.

Хурматли делегациялар аъзолари!

Энди сизларнинг иштирокингизда Олимпия ҳаракатини ривожлантириш, муҳим спорт ташаббусларини илгари суришга қўшаётган алоҳида ҳиссаси учун Шайх Жавъан ол Соиний ҳазратларини Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг “Шон-шараф” ордени билан тақдирлашга ижозат бергайсиз.

Сўзимнинг якунида шуни алоҳида таъкидлайман: Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан спорт соҳасида кўп қиррали ҳамкорликка ҳамиша тайёр.

Бу шарафли йўлда сизлар каби яқин дўстларимизга эшқларимиз ҳам, юракларимиз ҳам доимо очик, Барчангизга улкан қуч-ғайрат, омад ва зафарлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинглар!

«ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ПОКИСТОННИНГ БУЮК ДЎСТИ»



Унинг қайд этишича, 1991 йилда собиқ иттифок парчаланиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Покистон унинг мустақиллигини биринчилардан тан олган давлатлардан бири бўлди ва расмий дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Шундан буён икки мамлакат ўртасида дўстона ва биродарона муносабатлар изчил ривожланиб келмокда. Томонлар халқаро майдонларда бир-бирини доим қўллаб-қувватламодо ҳамда минтақавий ва глобал масалаларда муҳим ташаббусларни илгари сурмокда. Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ўзаро ишонч, ҳурмат, англаш ва ўрмий қадриятларга асосланган. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан мамлакатлар ўртасида олиёй даражадаги мулоқот янада мустаҳкамланди ва давлат раҳбарлари даражасидаги ташрифлар сони ошди.

“Икки давлат ҳам савдо, ўзаро боғлиқлик ва халқлар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш орқали икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришга қатъий интилиб келмокда. Томонлар ҳамкорлигини янги ва мазмунли йўналишларда кенгайтиришга катта қизиқиш билдирмокда. Покистон ва Ўзбекистон савдо, транспорт, энергетика, туризм, минтақавий боғлиқлик ва бошқа қўллаб соҳаларда улкан салоҳиятга эга эканини яхши англайди”, дейилади нашрда.

Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг асосий устуни ҳисобланади. Икки томонлама савдо ҳажми барқарор ўсиб, 2025 йилга келиб қарийб 450 млн. АҚШ долларига етди. Савдонини янада ривожлантириш мақсадида ҳар икки давлат яқин йилларда ўзаро савдо айланмасини 2 млрд. долларга етказишни мақсад қилган.

Ўзбекистон тўғрисида-тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмагани учун Покистон денгиз портларига қулай чиқиш имконини таклиф этмокда. Ўзбекистон эса табиий ресурсларга бой ва жадал ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакат. Савдо йўллариининг яхшиланиши ва боғлиқлиқнинг кучайиши нафақат ушбу икки давлат, балки бутун минтақа учун ҳам катта фойда келтиради.

Мақолада, шунингдек, энергетика соҳаси икки давлат учун ҳам катта истикболга эга экани қайд этилган. Муаллиф Ўзбекистон энергия ишлаб чиқариш борасида катта тажриба ва салоҳиятга эга эканини ургўлайди.

“Покистон эса иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида энергия манбаларини диверсификация қилишга интиломда. Шу боис Ўзбекистон билан энергетика лойиҳалари бўйича ҳамкорлиқнинг мустаҳкамланиши Покистоннинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон компаниялари ва мутахассислари учун ҳам янги бозорларни очиш имкониятини яратади”, дея таъкидлайди Халид Таймур Акрам.

Тахлил материалда ҳар икки мамлакат учун муҳим аҳамият касб этувчи йўналишлардан ана бири туризм соҳаси экани эътироф этилади. Туризм иш ўринлари яратиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, халқлар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш ва турли маданиятларни яхшироқ англашга хизмат қиладиган муҳим тармоқ ҳисобланади.

Ўзбекистон ўзининг қадимий исломий меъморий ёдгорликлари ва маданий аҳамиятга эга тарихий шаҳарлари билан машҳур бўлса, Покистон гўзал табиат манзаралари, тарихий обидалари ва бой анааналари билан ажралиб туради. Шунинг учун туризм соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакат ўртасида сайёҳлар алмашинувини оширишга хизмат қилади.

“Associated Press of Pakistan” ахборот агентлиги тарқатган материалда қайд этилишича, Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг янада мустаҳкамланиши минтақавий тинчлик ва барқарорлик нуктаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга.

Муаллиф “Покистон ва Ўзбекистон ҳар доим кенг минтақада тинчлик, тараққиёт ва фаровонлиқни қўллаб-қувватлаб келган. Икки давлат ҳам минтақавий муаммоларни музокара ва ҳамкорлик орқали ҳал этиш лозим деган қатъий қарашга эга. Ана шу ёндашув асосида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик қўшни минтақаларда ҳам барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга салмоқли ҳисса қўйиши мумкин”, деб ёзади.

«Дунё» АА.
Исломобод

ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ УНИВЕРСАЛ ВОСИТАСИ

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Уч босқичли “Президент Олимпиадаси” комплекс спорт мусобақалари тизимини йўлга қўйилди, замонавий спорт инфратузилмаси, хусусан, Олимпия шаҳарчаси барпо этилди, юқори малакали спортчиларни саралаш ва тайёрлаш тизими кенгайтирилмокда.

Халқаро майдондаги юксак натижалар, жумладан, 2024 йилда Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг муваффақиятли иштирок этгани ҳамда юртимизда оммавий спорт ривожланиб, бугунги кунда 15 миллиондан ортқк аҳоли мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланаётгани қайд этилди.

Халқаро ва Осиё спорт ташкилотлари Ўзбекистон миллий спорт федерациялари билан 20 дан ортқк битимлар имзолагани таъкидланди.

Хусусан, Халқаро оғир атлетика федера-

цияси Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида Акбар Жўраев номидаги оғир атлетика спорт клубини замонавий илмий ёндашув асосида ривожлантиришга қўмаклашди, Бирлашган кураш дунёси ташкилоти Минтақавий спорт курашлари академиясини ташкил этди. Осиё волейбол конфедерацияси ҳар бир вилоятда 1 тадан волейбол бўйича спорт клубини бунёд этса, Чим устида хоккей халқаро федерациясининг техника қўмағида 2 та стадион қурилади.

Ўзбекистоннинг ҳалол спорт тамойилига амал қилиш ва допингга қарши курашнинг қатъий тарафдори бўлиб қолиши қайд этилди.

Бу борада Тошкентда Марказий Осиё минтақавий антидопинг ташкилотларининг йиғилиши ва халқаро форум ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан спорт соҳасида кўп қиррали ва узок муддатли ҳамкорлик учун очик-

лигини тасдиқлаб, спорт дипломатиясини ривожлантириш ҳамда қўшма ташаббусларни илгари суришга тайёрлигини таъкидлади.

Тадбир якунида Шайх Жавъан бин Хамад ол Соиний олимпия ҳаракатини ривожлантириш, муҳим спорт ташаббусларини илгари суришга қўшаётган алоҳида ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг “Шон-шараф” ордени билан тақдирланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиё Олимпия кенгаши раҳбарини ва ташкилот Бош ассамблеяси иштирокчиларини қабул қилди.

Учрашув аввалида Осиё Олимпия кенгашининг янги сайланган президенти Шайх Жавъан бин Хамад ол Соиний давлатимиз раҳбарига Қатар Амيري Шайх Тамим бин Хамад ол Соинийнинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистонга халқаро спорт ҳаракатининг ҳамкори сифа-

тида юксак ишонч билдирилиб, ташкилот ассамблеясини Тошкентда ўтказишга қарор қилингани учун миннатдорлик изҳор этди.

Спортни ривожлантириш “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида устувор йўналишлардан бири сифатида белгилангани таъкидланди.

Ўзбекистон халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш ва амалий натижаларга эришишга қаратилган қўшма дастур ҳамда ташаббусларни амалга оширишга тайёрлиги қайд этилди.

Тадбир якунида Президентимиз спортни ривожлантириш ва спорт соҳасидаги халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё Олимпия кенгаши бош директори ва “World Aquatics” федерацияси раҳбари Ҳусайн ал-Мусалламга Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти — “Дўстлик” орденини топишди.

Ў.А.

МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Божхона хизмати давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг ажралмас қисми, мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш, миллий манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳамда самарали механизми ҳисобланади. Айниқса, бугун жадал суръатлар билан ривожланаётган ташқи иқтисодий алоқалар шароитида божхона органларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормокда. Шунинг учун ҳам соҳа ходимларининг машаққатли, айни пайтда шарафли хизмати ҳамиша қадрланади.

Шукуҳ

Пойтахтимизда 26 январь — Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари кўни муносабати билан ташкил этилган тантанали байрам тадбирида ушбу соҳа фаоллари ҳамда фахрийларининг меҳнатлари яна бир бор эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, сенаторлар, депутатлар, соҳа фаоллари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари қатнашган ушбу тадбирда дастлаб давлатимиз мадҳияси жаранглади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон божхона соҳаси ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асқадов қўйи эшиттирди.

Табриқда қайд этилгандек, мустақиллик йилларида божхона органлари мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва чегараларимиз дахлсизлигини асрашда давлатнинг ишончли таянчи бўлиб келмокда.

Хусусан, Янги Ўзбекистон шароитида божхона органлари замонавий, очик ва самарали тизимга айланиб, юрти-



миз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмокда.

Соҳадаги тўб ислохотлар туфайли кейинги йилларда божхона расмийлаштируви вақти қисқартирилди, декларацияларнинг 20 фоизи инсон омилсиз амалга оширилмокда. Ўтган йилда 76,2 трлн. сўм божхона тўловлари ундирилиб, ушбу кўрсаткич 21 фоизга ошди ва унинг Давлат бюджети даромадларидаги улуши 25 фоизга етди. Соҳа ходимлари томонидан товарларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, хавфларни олдиндан таҳлил қилиш, товарларни расмий импортга жалб этиш

борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Йирик миқдордаги ғиёҳ-вандлик, психотроп ҳамда қучли таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйилишида ҳам уларнинг ҳиссаси катта.

— Давлатимиз раҳбарининг божхо-

багишлаши билан бирга, фаолиятимиздаги масъулият ҳамда жавобгарлиқни янада оширишга туртки берди. Олдинки мизга қўйилган устувор вазифаларни самарали бажариш учун бундан кейин ҳам бор билим ҳамда салоҳиятимизни, тажрибамизни, имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, Янги Ўзбекистон шароитида божхона тизимини ислох қилиш, уни замонавий талаблар ва илғор хорижий тажриба билан асосида тақомиллаштириб бориш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида божхона органлари фаолияти тўбдан модернизация қилинмокда. Айниқса, сўнгги йилларда соҳада халқаро стандартларга мослаштирилган тартиботлар жорий этилгани, электрон декларациялаш ҳамда хавфларни божқариш тизимлари ва бошқа қатор янги замонавий дастур ҳамда технологияларнинг амалиётга татбиқ этилгани айни муддао бўлмокда. Булар божхона назорати ва расмийлаштирувида инсон омилни камайтиришга, шаффоқлиқни ошириш, асосийси, тадбиркорларга ташқи савдо фаолияти билан эркин шуғулланиш имкониятини яратишга хизмат қилаётди.

Қўмата тақдим этган маълумотларга кўра, ўтган тўрт йилнинг ўзида республикамизнинг товарлар ташқи савдо айланмаси 68 фоизга ошиб, 2025 йил якуни бўйича 55 млрд. 412 млн. долларни ташкил этган. Соҳадаги ислохотлар туфайли йирик чегара ўтказиш пунктларида юк автотранспортларнинг қулик ўртача ўтказувчанлиги 1,5 минг-тадан 3,3 мингтага етди. Экспортни соддалаштириш мақсадида “Экспорт уч

қадамда” дастури ишга туширилиб, 9 босқичли тартиботни 3 баробарга қисқартиришга, асосийси, ўтган йили 30 мингга яқин ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ортқкча сарф-ҳаражати ҳамда вақти тежалишига эришилди.

Шу ўринда, қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилган божхона объектлари ҳам кам эмас. Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, “Тошкент-АЭРО” комплекси ва Миллий кинология марказининг маъмурий бинолари тўлиқ реконструкция қилинди. Ўнча чегара пости тўлиқ таъмирланди. Қувонарлиси, Хоразм ҳамда Фарғона вилоятлари ходимлари учун 85 хонадонли иккита хизмат уйи фойдаланишга топширилди.

Хозирда Қозоғистон билан чегарадаги энг йирик постлардан бири — “Ғишткўприк” пости ҳам замон талаблари асосида тўбдан қайта қурилиб, фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилди. Буткул янги қиёфада қурилган бу пост эндиликда кунига 1,5 мингдан ортқк автотранспорт ҳамда 50 мингдан зиёд йўловчиларни бемалол ўтказолади.

Рақамлаштириш борасидаги янгилашлар натижасида олтимишга яқин божхона постлари фаолияти оптималлаштирилиб, уларда нормал иш режими жорий этилди. Рақамлаштириш соҳасида эришилаётган ютуқлар самараси ўлароқ рақамли трансформация рейтингиди Божхона қўмитаси давлат идоралари орасида уч йилдан буён 1-ўринни эгаллаб келмокда.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар ижроси доирасида божхона органлари халқнинг дарди билан яшовчи, унга беминнат хизмат қилувчи, маҳаллий корхоналар, тадбиркор-

лар билан яқиндан ишлаб, уларга барча амалий ёрдамларни кўрсатувчи тизим сифатида ҳам шаклланди. Бу борада тизим органлари иштирокида ўтган тўрт йилда ўттиздан ортқк объектларда қурилиш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди. Бир неча умумтаълим мактаблари, спорт мажмуалари, Саҳоват ва Муруват уйлари, болалар боғчалари фойдаланишга топширилди.

Аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида қабул қилинган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ва ҳудудларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларига амалий ёрдам кўрсатиш йўналишларида Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги жами 2 мингга яқин маҳалаларда аникланган муаммоларни бартараф қилишда божхона ходимлари фаол иштирок этди.

Тантанали тадбирда соҳа фидойилари иштирокида Ватанимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган ана шундай ортга қайтмас ислохотлар эътироф этилди.

Тадбирда, шунингдек, тизим ходимлари ўртасида ўтказилган танлов доирасида “Энг яхши худудий божхона органи бошлиғи”, “Энг яхши суриштирувчи ходим”, “Энг яхши масофавий электрон декларациялаш божхона пости ходими”, “Энг яхши ёш кинолог” каби ўндан ортқк номинациялар ғолиблари тақдирланди.

Тақдим этилган байрамона концерт дастури эса иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Ақмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

2-3 февраль кунлари Мирзо Улўбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида Ўзбекистон ва Италия олимлари иштирокида халқаро семинар бўлиб ўтади.

Учрашув



АЛОҚАЛАР РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН БИТИМ

Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси раиси Танзила Норбоева Осиё велоспорт конфедерациясининг янги сайланган президенти Дато Амаржит Сингх билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон велоспорт федерацияси ва Осиё велоспорт конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорлики янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидландики, мамлакатимизда велоспорт давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланаётир, замонавий инфратузилма яратилгани боис спортчиларнинг халқаро майдондаги натижалари изчил ўсиб бормоқда. Хусусан, миллий ва паравелоспорт терма жамоаларининг Олимпия уйинлари ва жаҳон мусобақаларидаги иштироки мамлакат салоҳиятини юқори даражада намоён этаётгани айтиб ўтилди.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолади. Унинг доирасида Ўзбекистонда минтакавий ўқув-тренинг марказини ташкил этиш, конфедерация тақвимида халқаро мусобақаларни кенгайтириш, мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма дастурлар ихросини таъминлаш ҳамда аёллар ва паравелоспортни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Семинар

ФАОЛИЯТ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенати ташаббуси билан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари раислари ҳамда ҳокимлар учун ўқув семинарлари бўлиб ўтмоқда. 26 — 28 январь кунларидаги машғулотларда Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидан маҳаллий вакиллик ҳамда ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирок этапти.

Семинарлар маҳаллий давлат бошқаруви тизимида самарадорлигини ошириш, туман ва шаҳар даражасида вакиллик ҳамда ижро органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, аҳоли муаммоларини ҳал этишда тизимли ва очик ёндашувларни шакллантиришга қаратилган. Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз сўзида жойлардаги раҳбарларнинг масъулияти, қарор қабул қилишда қонунийлик ва жамоатчилик манфаатларини устувор қўйиш зарурлигини қайд этди. Ўқув жараёнида тингловчилар учун маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалга ошириш, туман (шаҳар) Кенгаши

раиси мақоми ва ваколатлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда долзарб масалалар ҳамда уларнинг ечимлариغا бағишланган маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, Кенгаш фаолиятини режалаштириш, мажлисларни самарали ташкил этиш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти, партия гуруҳлари ва доимий комиссиялар билан ишлаш, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали очик мулоқот олиб бориш усуллари муҳокама қилинади. Семинарларда қарор қабул қилишда қонунийликка риоя этиш,

аҳоли муурожаатлари юзасидан ишлашда самарадорлик, очиклиқни таъминлаш, депутатларнинг фуқаролар билан учрашувларини уюштириш, муаммоларни ҳал қилишда маҳаллабй ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, маҳаллий бошқарувда рақамли технологиялардан фойдаланиш, электрон ҳукумат тизимлари орқали хизматлар сифатини ошириш, маълумотлар базалари билан ишлаш ва тахлилиий ёндашув асосида қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш ҳам семинарларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Уч кунлик ўқувлар иштирокчиларнинг ҳууддларда ислохотларни амалга оширишда амалий билим ва тажрибаларини бойитиб, аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш салоҳиятини оширади.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

«Ўзбекистон – Канада» биринчи парламенталаро форуми мамлакатимизда ўтказилади

Куни кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев Канада Жамоатлар палатасидаги “Канада — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи раиси Зияд Абуолтаиф билан видеоконференцалоқа шаклида учрашув ўтказди.

Онлайн мулоқот

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Канада ўртасидаги парламенталаро ҳамкорлиқни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича томонлар ўзаро манфаатдорлиги қатъий таъкидланди. Ўзбекистон Олий Мажлиси делегациясининг 2025 йил 26-27 ноябрь кунлари ушбу мамлакатга ташрифи доирасида Канада парламентида “Ўзбекистон куни”нинг муваффақиятли ўтказилгани юқори баҳоланди. Шунингдек, “Ўзбекистон — Канада” биринчи парламенталаро форумини жорий йилда Самарқанд шах-

рида ўтказиш масаласи муҳокама қилинди. Канада делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида савдо-инвестициявий ҳамкорлик, жумладан, муҳим минераллар, қишлоқ хўжалиги, тоза энергетика, таълим ва инновациялар соҳаларида қўшма “Ўзбекистон — Канада” бизнес форумини ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Учрашув якунида томонлар иккала мамлакат ўртасидаги парламенталаро мулоқотни ривожлантириш йўлида ҳамкорлиқни янада чуқурлаштиришга тайёр эканликларини таъкидлади.

«Халқ сўзи».

Акс садо

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ

Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мулоқотда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тинчлик кенгаши таъсисчиларидан бири сифатида қатнашиши мамлакатимиз ташқи сиёсатининг янги, сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Маълумки, дунёда етакчи ва ривожланаётган кўплаб мамлакатлар бор. Аммо бу каби ташаббусларда фақат чекланган сондаги — тахминан 30 — 35 та давлат фаол қатнашмоқда. Шу нуктаи назардан қараганда, Ўзбекистоннинг мазкур жараёнларда суверен давлат сифатида, халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мувофиқ равишда иштирок этиши халқаро ишончнинг аъқол ифодасидир.

Бугунги кунда дунё турли зиддиятлар, қуролли тўқнашувлар ва беқарорликлар билан юзма-юз келмоқда. Айниқса, Яқин Шарқдаги вазият жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётгани сир эмас. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон ўзининг аниқ, принципиал ва тинчликпарвар



позициясини бутун дунёга намоён этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳазо секторидagi можарого нисбатан Ўзбекистон позициясини очик ва равшан ифодабалаб, халқимиз номидан тинч аҳолининг тақдири, қиргинбарот урушларни тўхтатиш, муаммоларни

фақат сиёсий ва дипломатик йўл билан ҳал этиш зарурлигини таъкидлади. Бу ёндашув Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида қабул қилинган резолюция ва комплекс дастурларга ҳам тўлиқ мос келади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласидаги конструктив позицияси, Марказий Осиёда ишонч муҳитини яратиш бўйича ташаббуслари халқаро майдонда юқори баҳоланмоқда. Тинчлик кенгаши доирасида ҳам мамлакатимиз айнан шу тажриба билан фаол иштирок этади. Тинчлик кенгаши ташаббуси айнан Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари — тинчлик, мулоқот, ўзаро ишонч ва халқаро ҳуқуқ устуворлигига таянади. Айни пайтда Давос форуми доирасида Президентимиз томонидан олиб борилган самарали икки томонлама учрашувлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Давлат бошлиқлари, халқаро ташкилотлар ва йирик компания-

Ўқтамжон АХУНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Жаҳон иқтисодиётидаги чуқур трансформациялар ва глобал савдо қоидаларининг ўзгариши фонида Ўзбекистон барқарорлиқни ҳамда янги шароитларга мослашиш қобилиятини намоийиш этмоқда. Экспорт ҳажмининг 23 фоизга ўсиб, 33,4 млрд. долларга етгани, олтин-валюта захираларининг рекорд даражасида — 60 млрд. доллардан ошгани, биргина 2025 йилнинг ўзида 43,1 млрд. доллар микродорида хорижий инвестициялар жалб қилингани келгуси ривожланиш учун мустаҳкам молиявий-иқтисодий пойдевор яратмоқда.

Ялпи ички маҳсулотда инвестициялар улушининг 31,9 фоизга етгани халқаро ҳамкорлар ва инвесторлар томонидан кўрсатилгандаётган юксак ишонч даражасидан далолат беради. Бу ютуқлар мамлакатимизнинг халқаро нуфузи мустаҳкамланиши билан ҳамоҳанг кечмоқда. Етакчи халқаро агентликлар томонидан Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини “BB” даражасигача кўтарилиши, глобал технология ва инфратузилмавий индекслардаги ўрнининг ўсиши, технологик етулик индекси бўйича жаҳоннинг “ТОП — 10”талигига кириши иқтисодиёт тизимласи ва давлат бошқаруви тизимидagi сифат ўзгаришларини акс эттиради. Инвесторлар, молия институтлари ва ишбилармон доиралар учун бундай сигналар қарз маблағлари таннархининг пасайиши, қарз юқининг қаймаиши ва инвестиция имкониятларининг кенгайиши каби аниқ амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашига муассис давлат сифатида қўшилиши айнан шу нуктаи назардан кўриб чиқиш лозим. Биз иқтисодий эркинлик, тадбиркорлик, шахсий ташаббус ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув устуворлигини изчил Ҳимоя қилиб келаётган ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари мазкур қарорни мамлакатнинг очиклик ва глобал кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок

этишга қаратилган курсининг мантйқий давоми, деб ҳисоблаймиз. Тинчлик кенгашидаги иштирок Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий позициясини қучайтиради, етакчи давлатлар билан инвестициявий ва технологик ҳамкорлик майдонини кенгайтириб, барқарор ўсиш учун қўшимча кафолатлар яратади. Мамлакатимизнинг Тинчлик кенгашига аъзо бўлишини биз нафақат дипломатик қадам, балки Янги Ўзбекистоннинг инновацион ўсишига, сифатли инвестицияларни жалб қилишга ва юртимизнинг жаҳон иқтисодиётидаги маквеини мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий стратегиясининг муҳим элементи сифатида баҳолаймиз. Бинобарин, Тинчлик кенгашига муассис давлат сифатида қўшилиш, бир томондан, Ўзбекистоннинг халқаро мақомини янада мустаҳкамласа, иккинчи томондан, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва дунёнинг ривожланган мамлакатларидан капитал жалб қилиш учун қўшимча туртки беради. Буларнинг барчаси келажаққа интилаётган мамлакатимиз учун улкан иқтисодий ва инвестициявий истикболларни очади. Шу тариқа сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмиси жадал ва барқарор ривожланмоқда.



Бу нафақат барқарор ўсишни, балки мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги иқтисодий салмоғи ортиб бораётганини ҳам ифодалайди. Бу борада Америка Қўшма Штатлари билан савдо ҳамкорлиги кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Халқаро ташаббус доирасида Тинчлик кенгашининг ташкил этилиши иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар яратади. Ушбу тизимла узок муддатли тинчлик ва барқарорлик шарт-шароитларини биргаликда шакллантиришга тайёр давлатларни жиқлаштиришга хизмат қилади. Бу дунёнинг етакчи иқтисодиётлари учун Ўзбекистоннинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий ҳамкорлиқни ҳам ривожлантиришга тайёр бўлган стратегик шерик сифатидаги ролини мустаҳкамлашни аңглатади. Мамлакатимизнинг кўп томонлама форматлардаги фаол иштироки халқаро инвесторларнинг ишончини ошириб, ишбилармонлик обрўсини мустаҳкамлашга имкон беради ва капитал жалб қилиш учун қулай муҳит яратади. Санояти ривожланган дунё, жумладан, Европа, Шимолий Америка ва Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлиқнинг кенгайиши аллақачон ўз натижаларини бермоқда. Бугунги кунда савдо гео-

лар раҳбарлари билан ўтказилган мазмунли музокаралар Ўзбекистоннинг инвестициявий ва сиёсий жозибадорлиги янада ошганини кўрсатди. Айниқса, АҚШ Президенти билан бўлган очик ва дўстона мулоқот мамлакатимиз ташқи сиёсатининг мувоzanатли ва прагматик эканини яна бир бор тасдиқлади. Бугун Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати нафақат миллий манфаатларга, балки кенг маънода жаҳон халқларининг тинч ва барқарор ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамият мамлакатимиз ташаббусларини эътирфот этмоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Албатта, бундай нуфузли халқаро майдонларда фаол қатнашиш биздан янги ёндашувлар, янги ечимлар ва ташаббускорлиқни талаб этади. Қувонарлиси, бу йўлда Президентимиз етакчилигида Ўзбекистоннинг глобал тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликка қаратилган стратегияси изчил амалга оширилмоқда.

Ўқтамжон АХУНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Сиёсий партиялар фракцияларида

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК – ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ АСОСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг ййгилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳокамалар чоғида масалаларнинг долзарблйига эътибор қаратилиб, фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ййгилишида дастлаб Президентимиз раислигида камбағаллиқни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор ййгилишида илгари сурилган таклифлар ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ҳар бир ташаббус халқимизнинг турмуш сифатини яхшилаш, маҳаллаларни обод ва фаровон ҳудудларга айлантириш, инсон манфаатларини Ҳимоя қилиш, уларнинг даромадларини оширишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этди.

— Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш учун ййрик ҳажмда кредитлар ажратилиши маҳаллаларда янги иш ўринлари яратишга қучли туртки беради, — деди фракция аъзоси Севара Убайдуллаева. — Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган барча ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Чунки партияимиз чечка ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишни ўзининг устувор максадларидан бири деб билади. Шундан келиб чиқиб, белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши устидаан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишимиз лозим бўлади.

Ййгилишда яримтайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси атрафлича муҳокама қилинди.

Унда қимматбаҳо металллардан ясалган яримтайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг хулосасини олиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида масъул қўмита томонидан қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, фракция аъзолари таклифлари асосида лойиҳа матни янада такомиллаштирилганини қайд этди.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳаллий заргарлик саноатини ривожлантириш ҳамда қонуний фаолият олиб бораётган маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ййгилишида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги пайтларда фойдаланилган транспорт воситаларини одометр кўрсаткичини сохталаштириш ҳолатлари кўпайиб, баъзан бу жиддий оқибатларга сабаб бўлмоқда. Чунки автомобилнинг янги эгаси машина ҳақида нотўғри маълумотларга эга бўлади ва бу қўшимча техник хизмат кўрсатиш, баъзи эҳтиёт қисмларининг алмаштирилишини кечиктиради. Натижада бу ҳолат мулкдор ва йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари ҳаёти, соғлиғини хавф остига қўймоқда.

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча ва ўзгартаришлар киритилмоқда. Хусусан, авто-транспорт воситасининг босиб ўтган масофасини кўрсатувчи одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартрилганлиги ёки одометр ускунаси алмаштирилганлигини била туриб, авто-транспорт воситасини реализация қилишдан олдин хариддорга бу ҳақда маълум қилимаганлик учун жавобгарлик қоралари белгиланмоқда. Ййгилишда бу борадаги хорижий тажриба ўрганилганига ҳам эътибор қаратилиб, айрим маълумотлар келтирилди.

Фракция аъзоси Шахноза Жолдасова ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқиш жараёнида қизғин муҳокама қилиниб, фракция аъзолари томонидан қатор таклифлар илгари сурилгани ва уларнинг айримлари эътиборга олиниб, лойиҳа янада такомиллаштирилганини маълум қилди.

— Улардан бири — амалиётда сотувчи одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартрилгани ёки одометр ускунаси алмаштирилганини билмаслиги мумкинлиги инобатга олиниб, мазкур модданинг мазмунини “била туриб” сўзлари билан тўлдирилди, — деди депутат.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ййгилишида бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада қучайтириш, таъйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни Ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Унда айрим қонун ҳужжатларига боланинг энг устун манфаатлари тушунчасини киритиш таклиф қилинмоқда.

Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга эса таъйик ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳамда уларнинг воғга етмаган болаларининг манфаатла-

рини қўллаб судларга давлат божги тўламасдан ариза, шикоят ва даъволар тақдим этиш, суд мажлисларида қатнашиш ваколатларини бериш назарда тутилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасида таъйик ва зўравонликдан жабрланганларнинг махсус марказларга жойлаштирилганда уларга бир ойгача бўлган муддатга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериш ҳам акс этмоқда.

Фракция аъзоси Зиёдбек Юнусов ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиш давомида қатор таклифлар берилганини ва ўтган даврда улар асосида лойиҳа матни янада такомиллаштирилиб, маромига етказилганини айтди.

— Қонун лойиҳасида акс этаётган нормалар таъйик ва зўравонликдан жабр қўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг воғга етмаган фарзандларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан Ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — деди депутат.

Ййгилишда фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг маромига етказилганини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада қучайтиришга ҳамда таъйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни Ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Унда миллий қонунчиликка “боланинг энг устун манфаатлари” тушунчасини киритиш орқали болалар ҳуқуқларини Ҳимоя этиш соҳасидаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари таъйик ва зўравонликдан жабрланган шахсларни махсус марказларга бир ой муддатга жойлаштириш тартиби, ушбу муддатни узайтириш асослари юзасидан қонун ташаббускорларига саволлар билан муурожаат этди. Масъулар томонидан маълум қилинишича, белгиланган бир ой мобайнида жабрланганларнинг муаммоларини ҳал этиш қоралари кўрилади. Агар уларга узок вақт тиббий ёрдам зарур бўлса, ушбу муддат белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин.

Фракция аъзоси Анвархон Темиров фарзандликка олиш масалаларида боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга оид нормалар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Қонун ташаббускорлари фарзандликка олинган болаларнинг ҳуқуқлари биологик болалар билан тенг кафолатланши, шу билан бирга, уларнинг келиб чиқиши ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи сақланиб қолишини таъкидлашди.

Ййгилишда экология, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Фракция аъзолари юридик шахсларга тегишли ёки уларга бириктирилган ҳудудларда яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш, ушбу масалалда жавобгарлиқни белгиллаш тартиби юзасидан қатор савол ва таклифларни илгари сурди. Хусусан, “бириктирилган ҳудуд” тушунчасига аниқлик киритиш, тадбиркорлик субъектларига ортиқча юклама тушмаслиғи масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама давомида қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Қун тартибидagi ҳар бир масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййгилишида дастлаб экология, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда мазкур йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, унда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Хусусан, дарё ўзаналарида норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш, сув ресурсларини ифлослантириш, дархат ва буталарни гафрикунчий кесиш ёки йўқ қилиш, ифлослантирувчи моддаларни белгиланган меъёрдан ортиқ микдорда атмосфера ҳавосига чиқариш, қурилиш майдонларида чанг ва кум зарраларларнинг ҳавога тарқатилишини бартараф этмаслик, шунингдек, ёқиш учун мўлжалланмаган жойларда ёки қурилмаларда ёқилиш, моддалар ва чиқиндиларни ёқиш ҳолатлари учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар жорий этилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, иссиқхоналарда, ишлаб чиқариш биноларида ёки ёндириш ускуналарида шишалар, битум, мазут, плёнка, синтетик картон, резина, жун толаси ва шунга ўхшаш зарарли компонентларни ўз ичига ҳар қачан чиқиндиларни ёқиш ҳам маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

— Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар фракциямизда қизгин муҳокама этилди, — деди фракция аъзоси Ойбек Раҳимов. — Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, албатта, атраф-муҳит муҳофазасини қучайтиришга, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни қамайтиришга хизмат қилади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

2026 йил 1 февралдан ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ бўлган транспортлардан фойдаланиш, уларни қайта рўйхатга олиш тақиқланади ҳамда улар давлат рўйхатидан чиқарилади.

Тинчлик кенгаши:

ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОН ҲАЁТ, ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК УЧУН!

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Швейцариянинг Давос шахрида бўлиб ўтган Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросимида иштирок этди. Бу ерда АҚШ бошчилигидаги 18 та давлат Тинчлик кенгаши низомини имзолади. Ва Ўзбекистоннинг кенгаш таъсисчиларидан бирига айланиши ташқи сиёсатимиздаги муҳим тарихий воқелик бўлди.

Аввало, айтиш жоизки, бу кенгашнинг ташкил этилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тинчликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва кўп қиррали ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифаларига мос. Инчунин, Ўзбекистон халқаро низоларга нисбатан ҳолис, мувозанатли позицияни эгаллаб, зиддиятларни доим тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори эканини амалда намоён этмоқда. Зеро, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бетарафлик, ўзаро ҳурмат, давлатларнинг суверенитети ҳамда ички ишларига аралашмаслик тамойилларига қатъий амал қилинади.

Нуктаи назар

Тинчлик учун курашмоқ керак

Хўжатга кўра, Тинчлик кенгаши бир қатор устувор вазифаларни бажариши кўзда тутилмоқда. Яъни Яқин Шарқдаги қуроли можаороларни босқинча-босқич бартараф этишга кўмаклашиш, сиёсий музокаралар учун халқаро плат-форма яратиш, гуманитар инқирозлар-ни бартараф қилишда мувофиқлашти-рилган чора-тадбирлар амалга ошириш шулар жумласидан. Шунингдек, мин-тақдада ишончини мустаҳкамлаш ва ни-золар қайта пайдо бўлишининг олди-ни олиш, қолаверса, халқаро ҳуқуқ ҳамда БМТ резолюцияларига таянган ҳолда тинчлик жараёнини қўллаб-қув-ватлаш ҳам асосий мақсадлар сира-сига киритилган.

Бу вазифалар Тинчлик кенгашини шунчаки маслаҳат органи эмас, балки аниқ амалий натижаларга қаратилган таъсирчан халқаро тузилма сифатида шакллантиришга хизмат қилади. Янги тузилма БМТнинг Хавфсизлик Кенга-ши резолюцияси билан қўллаб-қувват-ланган Ҳазо секторидagi можаорони ту-гатмиш бўйича комплекс режани амал-га ошириш доирасида шакллантирил-моқда. Хусусан, можаоранинг кескин-лашув хавфини камайтириш, Ҳазо сек-торида иқтисодий ва ижтимоий тикла-ниш учун қулай шароитлар яратиш мақсади муҳжасам. Бу фаровон ҳамда тинч-осоийшга ҳаётига эга Янги Ҳазо-ни барпо этиш, истиқболда Фаластин давлатини тузиш имкониятини вужуд-га келтиришга йўналтирилгани билан аҳамиятли.



ва сиёсий обрўси янада юксалади. Қолаверса, Тинчлик кенгашига аъзо-лик Ҳазо секторини қайта тиклаш иш-ларига кенг йўл очади. Ўзбекистоннинг қурилиш компаниялари, муҳандислари ва мутахассислари халқаро грантлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этиши мумкин. Ҳазони тиклаш учун зарур бўлган қури-лиш материаллари, тўқимачилик ҳамда озик-овқат маҳсулотлари экспорти учун янги бозор пайдо бўлади.

“Тинчлик кенгашига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун шунчаки рамзий маънога эга эмас, бу — давлатнинг глобал сиёсий вазни йиғиши, янги иқтисодий бозорларга кириши ва мусулмон дунёсидаги стратегик мавқеини мустаҳкамлаши учун ташланган муҳим қадам.”

Айни чоғда Ўзбекистон ўзини турли қутблар (Ғарб, Ислом олами, Исроил, Фаластин) ўртасидаги ҳолис воситачи сифатида намён этади. Бу тажриба келажакда Афғонистон ёки бошқа мин-тақавий можаороларни ҳал қилишда қўл келиши, шубҳасиз. Чунки инсон ҳуқуқлари ва тинчлик ташаббуслари билан шуғулланиш БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар олдида мамла-катимиз рейтингини оширади.

Ёки дейлик, Яқин Шарқдаги уруш ва бекорорлик дунёда, жумладан, Мар-казий Осиёда ҳам радикаллашув хав-фини ошираётгани бор гап. Шу боис тинчлик жараёнида иштирок этиш ор-қали Ўзбекистон можаорони адолатли ҳал қилишга ҳисса қўшади ва бу би-лан минтақада радикаллашув тўлқини-ни жиловлашга кўмаклашади.

Яна бир жиҳат, одамларда “муаммо қурол билан эмас, дипломатия билан ечилмоқда” деган ишонч пайдо бўла-

ди. Ҳазо масаласида фаол бўлиш Ўзе-бистонга АҚШ, Европа Иттифоқи ҳамда Хитой каби йирик қучлар билан муно-сабатларда қўшимча дипломатик им-кониятлар беради. Тинчлик ўрнатувчи сифатида Ўзбекистон бу давлатлар би-лан мулоқотда мустақил позиция эгал-лаши мумкин бўлади.

Демак, Тинчлик кенгашига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун шунчаки рам-зий маънога эга эмас, бу — давлат-нинг глобал сиёсий вазни йиғиши, янги иқтисодий бозорларга кириши ва му-сулмон дунёсидаги стратегик мавқеи-ни мустаҳкамлаши учун ташланган му-ҳим қадам.

Ҳамжиҳатлик — тараққиёт асоси

Ўзбекистон кейинги йилларда Яқин Шарқдаги можаорога бефарқ бўлмаган мамлакат сифатида минтақадаги му-

амоаларни тинч йўл билан ечишга, Фаластин муаммосини адолатли тарз-да ҳал этишга қақриб келмоқда. Ху-сусан, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси минбари, Шанхай ҳам-корлик ташкилоти, Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлиги, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар саммит-ларида Яқин Шарқдаги можаорога тинч йўл билан ечим топиш ва мамлаката-римизнинг бу борадаги позициясини очик-ойдин таъкидлаб келди. Ушбу минтақадаги можаоро тобора кескин-лашиб бораётгани, бу эса қўшни мам-лакатлар ҳамда йирик давлатларнинг мазкур муаммо домига тортилиши оқибатида глобал инқирознинг йирик ўчоғига айланиб кетиши мумкинлиги-ни ташвиш билан қайд этди.

Навбатдан ташқари ўтказилган Араб-ислом қўшма саммитида давлати-миз раҳбари глобал сиёсат кун тарти-

бидаги энг ўткир ҳамда оғриқли маса-ла — Фаластин муаммосига тўхталиб, урушда жабрланган фаластинлик бо-лалар ва аёлларни ҳаётнинг шифо-хоналарида беғараз даволашга тайёр эканини таъкидлаган эди. Гуманитар ёрдам кўрсатишни кенгайтириш қақи-риғи, урушда жабрланган фаластин-лик болалар ҳамда аёлларни юртимиз шифохоналарида беғараз даволаш тақлифи мамлакат ҳукуматининг ин-сонлар тақдирига бефарқ эмаслиғи-дан далолатдир.

Президентимизнинг “Ўзбекистонда-ги бир гуруҳ фаластинлик фуқаролар-га давлат қамқўрлиғи, меҳр-шафқат та-мойиллари асосида кўмак бериш ти-зимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бунинг амалий тасдиғидир. Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади — Ўзбекистон ҳуду-дида вақтинчалик яшаётган фаластин-лик фуқароларга зарур ёрдам кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳимо-ясини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Ўзбекистоннинг бу ташаббуси дав-латимизнинг нафақат минтақавий, бал-ки глобал хавфсизлиқни таъминлаш масалаларига қўят маъсулиятли ва прагматик ёндашувидан гувоҳлик бе-ради. Расмий Тошкентнинг ушбу по-зицияси унинг Фаластин инқирозини ҳал қилиш ҳамда тинчлик ташаббус-ларини қўллаб-қувватлашга стратегик ёндашувидир. Бу ҳам мамлакатимиз-нинг мулоқот ва ҳамкорлик орқали Яқин Шарқда барқарорлик ҳамда тинчликни таъминлашда муҳим роль ўйнашга тайёрийлигини кўрсатади.

Сирасини айтганда, Тинчлик кенга-шини тузиш ташаббуси ҳамда Ўзе-бистоннинг ушбу жараёнда таъсисчи давлат сифатида иштирок этиши унинг халқаро муносабатлардаги нуфузини янги босқичга олиб чиқади. Бу эса на-фақат Яқин Шарқда тинчликни таъмин-лашга қаратилган муҳим қадам, балки юртимизнинг халқаро ҳамжамиятда ишончли, маъсулиятли ҳамда тинчлик-парвар ҳамкор сифатидаги ўрнини яна-да мустаҳкамлайди.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор.

Анжуман

Ресурс тежамкорлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси

Такомиллашаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси бўйича ўтказилган анжуманининг бу галгиси давримизнинг энг долзарб мавзуси бўлган сувни тежаш ва табиатни асрашга бағишланди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази бўлим бошлиғи Бунёд Тиллахўжаев Стратегиянинг учинчи устувор йўнали-ши — “Сув ресурсларини тежаш ва ат-роф-муҳитни муҳофаза қилиш” бўйича 2030 йилгача амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда эришилажак на-тижалар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, Стратегиянинг янги йўналишида ҳар бир мақсаднинг са-марадорлик кўрсаткичлари йиллар ке-симида аниқ белгиланган. Молиявий манбалар ва масъул идоралар аниқ кўрсатилгани ушбу ҳужжатни ижроси из-чли таъминланадиган, амалда ишлайдиган ишончли дастурга айлантиради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғо-риладиган экин майдонлари 4,3 млн. гек-тарни ташкил этади. 2025 йил ақунла-рига кўра, 2,6 млн. гектар, яъни суғори-ладиган ерларнинг 60 фоизи сувни те-жайдиган технологиялар билан қамраб олинган. Янгиланаётган Стратегияда эса 2030 йилгача қишлоқ ҳўжалиғи экин майдонларига 100 фоиз сув тежовчи технологиялар жорий этиш мақсади қўйилган.

Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайти-риш, чўлланишга қарши курашиш агент-лиғи вакили Ҳўжимурод Толипов мам-лакатни ашиллиқка буркаш, чўлланишга қарши курашиш ишлари ҳақида тўхтал-ди. Унинг айтишича, 2020 — 2025 йил-ларда 13 207 гектар иҳотазорлар барпо этилган бўлса, келгуси беш йилда яна 16 000 гектар ана шундай яшил қалқонлар ташкил қилинади. Шу тариқа, 2020 — 2030 йиллар давомида жами 29 207 гектар иҳотазорлар яратилади.

Анжуманда эътироф этилганидек, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси таби-атга эҳтиёткорона муносабат, сувни те-жаш ва “яшил” келажак сари ишончли қадам қўйишни кўзлаётган, ҳаётга яқин ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган муҳим дастур экани амалда ўз тас-диғини топмоқда.

Улугбек РЎЗИМАТОВ
(“Халқ сўзи”).

ХС РЕКЛАМА

33 йиллик тажриба: ЭКОЛОГИК ТОЗА ВА САМАРАЛИ ЕЧИМЛАР

Жаҳон тажрибасида кичик корхоналар одатда 10 — 15 йил фаолият юритади, холос. Кейин йўналишини ўзгартиради ёки бошқа ҳўжалик юритувчи субъект билан бирлашади, айримлари эса тугатилиб кетади. Аммо Тошкент шахридаги “PGS” корхонаси 33 йилдан буён барқарор иш юритиб келмоқда.

Муҳбиримиз мазкур корхона раҳбари Мадаминжон НАЗИРОВ билан сўхбатлашиб, бизнесда бундай “узок умр кўриш”нинг сирлари ҳақида сўради.

— Назаримда, бунинг сирини шундаки, биз ўтган йиллар даво-мида замон ва бозор талабидан келиб чиқиб, рўзгорамиз ва йирик корхоналарга мўлжалланган эко-логик тоза, хавфсиз ва энергия тежовчи маҳсулот ишлаб чиқаряй-миз. Фаолиятимиз бошидаёқ кор-хона стратегиясида фойда эмас, балки миллий манфаатлар бирин-чи ўринда бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Бугунги кунда йиғирма-дан ортиқ ихтиролар амалиётга жорий этилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида қадимий аънаъаналар ва замонавий технологиялар муҳас-сам. Биз ишлаб чиқараётган жи-ҳозларда асосий хомашё — бу ўзига хос сифатларга эгалиги би-лан ажралиб турувчи сополдар. Сополдан тайёрланган иситкичлар ёқимли иссиқ ҳарорат беради, кислородни қуйдирмайди, электр энергиясини тежайди.

— Бу борада аниқ мисол-лар келтира оласизми?

— Албатта, бизнинг кичик тан-дирларимизни хорихнинг бир хил ишлаб чиқариш қувватига эга маҳ-сулотлари билан солиштирсак, улар бир соатда 15 — 20 ва ан-дан ортиқ киловатт электр энер-гияси сарфласа, бизда бу кўрсат-кич икки-уч баробар кам, яъни атиги 8,4 киловаттни ташкил эта-ди. Биласиз, тандирини фойдала-нишдан аввал қиздириш керак бўлиб, аксарият бошқа асбоблар-да бунга 40 — 60 дақиқа кетса, бизнинг тандирларимиз 5 дақи-қада қизийди. Унда бир пайтнинг ўзида икки турдаги маҳсулотни пишириш мумкин. Хар бир каме-

рада уч қатор, бир текис бошқа-риладиган иситувчи сопол элементлар бор. Сопол туфайли пишириқлар юқори сифатли бўлиб чиқади. Умуман, ўтган йиллар да-вомида сотилган “PGS-20” печла-римиз 12,6 миллион киловатт электр энергиясини тежаш имко-нини берди. Ваҳоланки, бунча энергия 10 та мактабнинг бир йиллик эҳтиёжига тенг.

Яна бир мисол — электр ўчоқ-лари. Улар аънаъанавий ўчоқлардан бир қанча афзалликлари билан ажралиб туради. Биринчидан, уларда қурум ва қўзни ачишти-радиган аччиқ тутун йўқ. Иккинчи-дан, улар тадбиркорларнинг маб-лагини сезиларли даражада те-жайди. Учинчидан, ўчоқлар ёнган-дан хавфсиз бўлиб, антисанита-рин ҳолатини келтириб чиқармай-ди. Бунинг устига, ўтин ёки қўмир сақлаш учун хоналар ҳам керак эмас. Пиширишдан олдин ўчоқни қиздириб олишга 5 — 10 дақиқа кетади, холос. Энг асосийси, ош-паз веналарнинг варикоз кен-гайиши касаллигидан ҳимоялан-ган бўлади.

— Бу ниманинг ҳисобига?

— Олов ёқиш пайтида иссиқ-лик тўлкини оёқларни қиздиради, лекин сал нари борилса, оёқлар бирдан совқотади. Ўрганишлар тасдиқлашча, ана шундай ҳаро-ратнинг тез-тез ўзгариши вари-козни келтириб чиқаркан...

— Айтишингиз бўйича, бизнинг жиҳозларингиздан фойдаланган тадбиркор маблаг тежалар экан. На-ҳотки, электр энергиясидан

фойдаланиш ўтиндан кўра арзонроқ бўлса?

— Бу саволингизга жавоб шуки, Ўзбекистонда ўрмондан йўқ ва қўмир ҳам арзон эмас. Энди ҳисоблаб кўрайлик: масалан, 200 кишилик ош тайёрлаш қанча-га тушади? Бунга тахминан икки соат вақт кетади. Шу вақт даво-мида электр ўчоқ ҳаммаси бўлиб 24 киловатт энергия сарфлайди. Электр энергияси нархини шарт-ли равишда минг сўм деб олсак, 24 минг сўм сарфланган. Олим-лар ҳисоблаб чиқишча, овқатни оловда пиширишда иссиқлик ка-лориясининг фақат 54 фоизигина ишлатилади, қолган 46 фоизи ҳавога тарқалиб, кислородни қуйдиради. Электр энергиясидан фойдаланганда эса унинг 95 фои-зи таом пиширишга сарфланиб, ати-ги 5 фоизи атмосферага чиқади.

— Корхонада, шунингдек, маиший ва саноат иситкич-лари ҳам ишлаб чиқарилади экан. Улар хорихниқидан ни-маси билан фарқ қилади? Дейлик, бозорда чет элдан келтирилган турли-туман ас-боблар кўп, лекин сизлар-нинг маҳсулотингиз бирорта дўқонда йўқ. Балки нархи қиммат бўлгани учундир?

— Ҳа, тўғри эътибор берибсиз, чиндан ҳам бизнинг иситкичлари-миз эркин савдога чиқарилмай-ди. Бизнинг ўз дўқонимиз бор, унда харидорга асбобни тўғри иш-латиш бўйича маслаҳатлар бери-лади. Импортдан фарқли равиш-да, биз ишлаб чиқарадиган маи-



ший ва саноат жиҳозлари Фавку-лодда вазиятлар вазирлиғи лабо-раториясида синовдан ўтказила-ди. Хорижий ускуналарга барқарор 220 вольтлик қуналишга мўлжал-ланган. Сабаби, конвейерга ўрна-тиладиган компонентларнинг ар-зонлиғида. Биз ҳам ўшандай қисмларни харид қилдик, аммо улар лабораторияда синовдан



ўтмади. Шу боис ўзи-миз қуцланишининг 200 вольтдан 250 вольт-га ўзгарувчанлиғига дош берадиган махсус плато ва схемаларни ишлаб чиқдик.

Бизнинг корхонамиз экологик тоза иссиқлик ажратадиган ишончли маҳсулотлар ишлаб чи-қарувчи ягона корхона бўлса керак. Нархи чиндан ҳам хорихниқи-га қараганда бандан. Негаки, ҳар битта маҳ-сулотимиз қўл меҳнати билан ишлаб чиқарила-ди ва уч босқичли тек-ширувдан ўтказилади. Биз унинг 12 ой узлуқсиз ишлашига қафо-лат берамиз ва 5 йил давомида бепул сервис хизмати кўрсатамиз. Импорт қилинган иситиш печла-рини таъмирлаш учун тез-тез олиб келишди, лекин биз таъ-мирламаймиз. Чунки қуцланиш ўзгариб турадиган ҳолатларга мўлжалланмаган деталарни со-

тиб олиш керак бўлади. Аслида бузилишининг сабаби ҳам шунда.

— Корхонагизда барбекю ва кабоб пиширадиган электр кўралар ҳам ишлаб чиқарилади экан. Айтинг-чи, улар қанчалик самарали? Ахир, кўпчилик кўмир қўғида пиширадиган кабобга ўрганган, қолаверса, тутун хидининг ҳам ўзига хос гаш-ти бор...

— Биз электр кўра ишлаб чиқариш ҳақидаги қарорни онгли равишда қабул қилдик. Биринчи-дан, ривожланган давлатларнинг деярли барчасида қўштин оловда пишириш қонунчилик билан тақиқ-ланган. Сабаби — ўтин ва қўмир-да қатрон мавжуд бўлиб, у ёнган-да канцерогенлар ҳосил бўлади. Ёғ тўқилиб, ёнганда эса уларнинг ҳажми катталашади. Бундай шаро-итда тайёрланган таом саратон ҳужайралари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бунинг усти-га, тутуннинг ўзи ҳам зарарли.

Иқтисодий омилини ҳам ҳисоб-

Сирожддин ЖЎРАБОВ
(“Халқ сўзи”) сўхбатлашди.

Сунъий интеллект ёрдамида шахсга доир маълумотларга ноқонуний ишлов берганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;

эвонлар 71-259-74-87.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6768

9 720316 676804

Тахриратта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер терминал ҳақида оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-йўй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.12 Тошпирилди — 01.20 1 2 3 4 5 6